

Ҳикмат дурдоналари



11:10 / 27.02.2024 2719

Одамларга ҳар қанча ишонсангиз ҳам, сирларингизни ўзингизда қолдиринг.

Йиқилганингизда ўрнингиздан турғизиш учун узатилган қўл учрашиб қолганда сўрашиш учун узатиладиган мингта қўлдан ишончлироқ, самимийроқдир.

Аёл эрига қаҳва тайёрлади, бироқ шакар солмади. Сўнг кийимларни дазмол қилиш учун нариги хонага чиқмоқчи бўлди. Шунда эри аёлининг қўлидан тутиб, **«Сен ўзинг қаҳва ичмайсанми?» деб сўради. Аёли ҳозир ичгиси келмаётганини, кейинроқ ичишини айтди.**

Эри аёлига: «Ёнимда ўтир» деган эди, аёли «Нариги хонада дазмол қилишим керак, дадаси» деди.

Шунда эри аёлига **«Дазмолни кейин қиласан, кел, ўтир, биласанку, мен шакарли қаҳвани ёқтираман»**, деди.

Эрининг гапларидан: **«Сен мисоли шакарсан, ёнимда ўтирсанг, аччиқ қаҳваям ширин туюлиб қолади»**, деган маънони англаган аёли ўзини қандай ҳис этди экан.

Йигит тўйи куни чимилдиққа кириш олдидан волидасининг хонасига аста кирди-да, қўлидаги атиргул гулдастасини онасининг кўзгуси олдига қўйиб, **«Онажоним, сиз ҳамон дунёдаги энг чиройли аёлсиз, бахтимизга доим омон бўлинг»**, деган битикни гулдаста устига жойлади. Сўнг у ердан чиқиб, онасидан дуо олиб, секингина чимилдиққа кириб кетди.

Қачон уйланишингиз эмас, кимга уйланишингиз муҳим.

Эри вафот этди. Аёли унинг кўйлагини жойнамоз қилиб олди. Эримга ҳар куни савоби етиб турсин деб шундай қилди. Бу қандай муҳаббат-а!

Она мадраса бўлганда...

Эри вафот этди. Кийимлар жавонига эрининг либосини илиб қўйди. Саккиз йилдан кўпроқ вақт давомида ўша либос ҳамёнига пул солиб қўярди. Қачон фарзандларидан бирортаси пул сўраса, **«Отангни чўнтагидан олақол!»** дерди. Вафот этган эрининг хотираси уйдан узилиб қолмаслигини истарди.

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 25 январь 03-07/400-сонли хулосаси асосида тайёрланди.